

15 (567)-сон

— 41 —

213-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**213 Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро  
ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш  
авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-91) қўшимчалар киритиш  
тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-5*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 февралдаги 50-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лазерли нур тарқатгичларни ишлатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 8-сон, 105-модда) 3-бандига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 12 сентябрдаги 141-сон бўйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-91) (рўйхат рақами 1723, 2007 йил 29 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 41-42-сон, 420-модда) иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсан.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ**

**Т. ЎЛЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 25 март,  
19н-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш  
давлат инспекцияси бошлигининг 2013 йил  
25 марта 19н-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва  
экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация  
коидаларига (ЎзР АҚ-91) киритилаётган қўшимчалар**

1. Кўйидаги мазмундаги 996<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсан:

«996<sup>1</sup>. Учувчилар экипажи аъзоси лазерли кўрсаткичлардан келиб чиқиши таҳмин қилинган ярқираган нур билан нурланган тақдирда тегишли

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

**213-модда**

**— 42 —**

**15 (567)-сон**

авиакомпания томонидан белгиланган кўрсатмаларни бажаради. Мазкур кўрсатмаларда камида қўйидагилар бўлиши керак:

ҲКни бошқаришни бошқа учувчига топшириш;  
автопилот ёқимлаган бўлса, уни ёкиш;  
лазерли кўрсаткич нури учувчилар кабинасига тушмаслиги учун имконият доирасида ҲКнинг парвоз йўналишини ўзгартириш;  
учувчиларнинг кабинасидаги ички ёруғлик манбани ёкиш.

Учувчилар экипажи ҲКнинг лазерли кўрсаткичдан нурланган жойи ва вақти тўғрисида мазкур худудни бошқараётган ҲХБ диспетчерига хабар беради. ҲК қўнгандан кейин ҲК командири ушбу Қоидаларнинг 22-иловасига мувофиқ лазерли кўрсаткичдан нурланиш ҳодисалари тахмини тўғрисидаги ҳисоботни тўлдиради ва лазерли кўрсаткич билан нурлантирилган ҲК ва учувчилар экипажи аъзоларининг ахволи тўғрисида тегишли авиакомпаниянинг учиш хизмати раҳбарига ва парвозлар хавфсизлиги инспекциясига хабар қиласи.

2. Мазкур қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ мазмундаги 22-илова билан тўлдирилсин.

3. Мазкур қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати Маркази ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси билан келишилган.

*Мудофаа вазири*

*K. БЕРДИЕВ*

*2013 йил 25 марта*

*Вазирлар Маҳкамаси  
ҳузуридаги Гидрометеорология  
хизмати Маркази Бош директори*

*B. ЧУБ*

*2013 йил 25 марта*

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»  
Миллий авиакомпанияси  
Бош директори*

*B. ТЯН*

*2013 йил 25 марта*

Ўзбекистон Республикаси  
самовий худудида фуқаро ва  
экспериментал авиациясининг парвоз  
қилиш авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-91)  
киритилаётган қўшимчаларга  
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси самовий  
худудида фуқаро ва экспериментал  
авиациясининг парвоз қилиш авиация  
қоидаларига (ЎзР АҚ-91)  
22-ИЛОВА

**Лазерли кўрсаткичдан нурланиш ҳодисалари  
тахмини тўғрисидаги  
ХИСОБОТ**

Ф.И.О.(тўлиқ) \_\_\_\_\_ ёши \_\_\_\_\_  
Лавозими (ҲКК, 2 учувчи, диспетчер ва х. к.) \_\_\_\_\_  
телефон рақами \_\_\_\_\_  
Ходиса вақтида фойдаланилган кўриш қобилиятини тиклаш воситаси (кўзой-  
нак, кўриш линзалари) \_\_\_\_\_  
ҲКнинг тури \_\_\_\_\_  
Қатнов рақами, ҲКнинг рўйхат рақами \_\_\_\_\_  
Ходиса рўй берган  
вақти ва куни (UTC) \_\_\_\_\_  
Ташқи таъсир этувчи омиллар:  
Об-ҳаво шароити \_\_\_\_\_  
СМУ/ПМУ \_\_\_\_\_  
Ташқи ёруғлик даражаси (кеча, кундуз, қуёш, тонготар, фира-шира пайт,  
юлдузли осмон, ой нурлари ва х. к.) \_\_\_\_\_  
Ходиса жойи:  
(аэрородром/шахар/аэронавигация воситалари) худуди \_\_\_\_\_  
Учиш йўналиши \_\_\_\_\_  
Маневрнинг тури (баландликка  
кўтарилиши ёки кўнишга кириши) \_\_\_\_\_  
Йўналиши /агар ҲК қайрилса, йўналишнинг тахминан аҳамияти \_\_\_\_\_  
  
Баландлиги (ернинг устки қисмидаги) \_\_\_\_\_  
Нурланишнинг йўналиши:  
Кўзга тушиши, ёруғлик олдинданми ёки ёниданми келдими? \_\_\_\_\_  
  
Ёруғликнинг тавсифи:  
Ранги \_\_\_\_\_  
Нурланишнинг хусусияти  
(тўхтовсиз/липиллаши/импульслари) \_\_\_\_\_  
Ёруғлик манбаи (мустаҳкам ёки ҳаракатчан) \_\_\_\_\_

**213-модда**

**— 44 —**

**15 (567)-сон**

Сизнинг тахминингизча, нур ҲКни парвозда  
қасдан кузатганми? \_\_\_\_\_

Нурнинг нисбатан кучи  
(чироқ-чакнаш, проектор, қуёш ёруғлиги) \_\_\_\_\_

Нурланишнинг давомийлиги  
(сонияларда) \_\_\_\_\_

Ходиса рўй бергунча нур кўринганми? \_\_\_\_\_

Нурланиш манбаси рўй берган жой (ҲКнинг географик жойига нисбатан)

Экипаж кабинасига тушган нур ойнаси:  
чап/олдинги чап/марказий/олдинги ўнг/ўнг/бошқа \_\_\_\_\_

Нурланиш таъсири:  
Кўрганингизни ёритинг\* / рухий / жисмоний нурланиш оқибатлари \_\_\_\_\_

Кўзга тушган ёруғлик харакати оқибатининг давомийлиги (сониялар/дақиқалар/ соатлар/ кунлар) \_\_\_\_\_

Нурланиш оқибатида ҲКнинг парвози пайтида бажарилган ишлар \_\_\_\_\_

Имзо \_\_\_\_\_ Сана \_\_\_\_\_

\* Кўз нурланиши оқибатидаги оддий мисоллар

Қолган тасвирлар. Ярқираган ёруғликнинг кўзга таъсиридан сўнг кўриш майдонида қолган тасвир.

Қора доғлар. Вактинча ёки узоқ давом этадиган кўриш қисмидаги йўқотишнинг ўзлаштирилиши.

Қисқа муддатларда кўрмай қолиш. Кўриш қобилиятининг маълум муддатга йўқолиши (қисқа ёки давомий вақтларда), кўзга ялт этиб тушган ёруғликдан ҳамда ёруғлик дарҳол олинганидан содир бўлади.

Кўрмай қолишлик. Кўришни қабул қилиш вактинча бузилиши, ялт этиб тушган чироқ оқибатида (масалан, қарама-карши ўналишдаги автомобилнинг узоққа ёқиладиган чирофи каби) кузатилади. Маълум муддатларда кўрмай қолишлик кўришнинг биологик хусусиятига эга эмас ҳамда кузатувчининг кўз олдида ялт этиб тушган чироқдангина содир бўлади.».